



29 MART — ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI KUNI

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА

барча даражадаги партия ташкилотлари ишини ўзаро мувофиқлаштириш ва тизимли олиб бориш талаб этилади

ПРЕЗИДЕНТ
САЙЛОВИ
МАМЛАКАТДА
ДЕМОКРАТИЯ
ҚАНЧАЛИК ҚАРОР
ТОПГАНИ,
ФУҚАРОЛАРНИНГ
СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ
САВИЯСИ, ВАТАН
ТАҚДИРИГА
ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ
ҚАЙ ДАРАЖАДА
ЮҚОРИ ЭКАНЛИГИНИ
БЕЛГИЛАБ БЕРАДИГАН
МУҲИМ СИЁСИЙ
ЖАРАЁНДИР.

2



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

ЎЗХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК
МАЪРИФАТИ

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ»

Давлат дастури ижроси таъминлиниши
ЎЗХДП учун алоҳида аҳамиятга эга

Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежиз айтилмаган. Кексалар яшайдиган уйда қувонч, файзу барака, оила аъзолари қўнғида хотиржамлик бўлади. Буви-боболарнинг дуолари юртимизга эзгулик таратади, панд-насихатлари бизни ҳақиқатга тўғри йўлга бошлаб туради. Бу йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили», деб номланишида олам-олам маъно бор. Яқинда мазкур йил муносабати билан Давлат дастури қабул қилинди. Унда нуруний отахон-онахонларнинг соғлигини тиклаш, турмуш шароитини яхшилаш, умуман, кекса кишиларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ЎЗХДП учун муҳим аҳамиятга эга.



ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ЎТҚАЗИЛГАН «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМДА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАРДА ШУ ҲАҚДА ФИКР ЮРИТИЛДИ.

2

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Баркамол, истеъдодли, зукко, ташаббускор қизлар...



Манзура САЙФИДДИНОВА.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Термиз давлат университети қошидаги Саросиё академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси:

■ 2013 йилда «Озод элнинг бахтли қизиман» номили шеър-ий тўплами нашр этилган.
■ Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Китоб-севарлар» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлган.
■ «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказилган «Орт келажак» танловининг республика босқичида «Адабиёт ва публицистика» йўналиши бўйича фаол иштирок этиб, сертификат олган.

— Мен Сурхондарё вилоятининг чекка қишлоқларидан бири, атрофи пурвиқор тоғлар билан ўралган, Сангардак қишлоғида туғилганман, — дейди у. — Бу гўша табиатининг гўзаллиги, бетакорлиги, менга сўз айтиш завқини, қуйлаш саодатини берди. Бу юксак мукофотга сазовор бўлишимда, ота-онамнинг, устозларимнинг хизмати катта бўлди. Мен улардан бир умрга миннатдорман. Туркистон саройида бўлиб ўтган тантанали кеча-

да мукофотни олар эканман, ўша пайтдаги ҳаяжон ва қувончларимни сўз билан ифода қилиб беролмайдим. Энди эса бу ишонччи оқлаш, унга муносиб бўлиш зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклайди. Ўзимни бирданга улғайиб қолгандек ҳис қилияпман. Атрофда кеча-ётган воқеа-ҳодисаларга берафқ бўлмаслик, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш кераклигини тобора чуқурроқ тушуниб етаяпман.

Ширин РАХИМОВА.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси:

■ Каратэ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
■ 2011-2014 йилларда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида 4 карра ғолибликни қўлга киритган.
■ 2011 йили Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллаган.
■ 2011 йилда Россиянинг Москва шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритган.
■ 2012 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасида ғалаба қозongan.
■ 2013 йили Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 1-ўринни эгаллаган.

— Мен эндиgina 14 ёшга тўлдим, — дейди у. — Орсуларим жуда кўп. Шундай юксак мукофотга лойиқ кўрилишим, зиммамга улкан масъулият юклайди. Спортда эришган ютуқларим бундай эътироф этилишини кутмагандим. Мукофотни қабул қилиб олаётганимда кўз олдимга ота-онам келди. Уларнинг қувончи,

шодлиги — мен учун энг катта бахт. Бундан кейин ҳам ўз ғалабаларим билан менга спорт сирларини ўргатган мураббийларимни, мактабдаги ўқитувчиларимни хурсанд қилишга, Ватанимиз номини улуғлашга бор кучимни сарфлайман.

Озода БЕКМУРОВА ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
САЙЛОВИ — 2015



29 MART

19

КУН ҚОЛДИ

Сайлов участкаларида

■ Президент сайловида қатнашиш ҳар бир фуқародан катта масъулият талаб этади. Бу сайловда халқимиз ўз келажак учун овоз беради. Шу боис барча ҳудудларда, жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам сайловчилар 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловга катта қизиқиш ва эътибор билан қарашмоқда.

Вилоятда сайловчиларнинг умумий сони 2 миллион 294 минг 602 кишидан иборат. Сайловни ўтказиш учун 957 та сайлов участкаси тузилган. Уларнинг барчасида сайловга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловчилар учун ҳамма шароит яратиб берилмоқда. Сайловчиларнинг турли тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Сайлов участкасида бир гуруҳ ёш йигит-қизлар билан суҳбатлашди. Уларнинг барчаси Президент сайловида биринчи бор овоз беришар экан. — Коллежнинг компьютерларга техник ва дастурий хизмат кўрсатиш йўналишида ўқийман, — деди Фирдавс Умрзоқов. — Ҳар куни дарс-



Суннат МУҲАММЕДОВ олган сурат.

дан сўнг сайлов участкасида сайлов қонун-қоидаларини ўрганиш, номзодларнинг дастурлари билан танишяпман. Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифалари билан танишдим. Келажакда шу партия сафида бўлишни ният қилдим. Президент сайловида қатнашаётганимдан, келажикимиз учун овоз беришимдан хурсандман.

Фирдавс Умрзоқовнинг дўстлари ҳам шундай фикрда. Уларнинг барчаси шу йил 29 мартда ўтказиладиган сайловда фаол иштирок этишларини айтишди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Давлат бюджети
маблағлари оқилона
сарфланиши керак



■ Давлат дастури ижроси
электорат манфаатларига
хизмат қилади

Сайлов кампанияси даврида

барча даражадаги партия ташкилотлари ишини ўзаро мувофиқлаштириш ва тизимли олиб бориш талаб этилади

■ Бугунги кунда мамлакатимизда Президент сайловидаги муҳим жараён — сайловолди ташвиқоти олиб борилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари томонидан Президент сайловини юксак савияда ўтказиш, партиянинг стратегик мақсадларини амалга ошириш, партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди тарғиботини кўтаринки руҳда ўтказиш учун тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Биринчи навбатда сайлов кампанияси даврида партия ташкилотлари ва сайланма органлари ишини мувофиқлаштириш бўйича штаб ташкил этилди. Мазкур штаблар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича ташкил этилган сайлов округлари марказларида ҳам йўлга қўйилди.

— Сайлов штаблари зиммасига муҳим ташкилий-ҳуқуқий вазифалар юклатилган, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги тайёргарлик кўриш бўйича ЎзХДП Марказий Кенгашида ташкил этилган штаб раҳбари Рустам Комилов**. — Хусусан, сайлов штаблари томонидан Президентликка номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида 14 нафар ишончли вакил шакллантирилган. Улар номзодга ва унинг номига тушган савол ва бошқа мурожаатларни тезкорлик билан умумлаштириб, унга етказиш

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ»

Давлат дастури ижроси таъминланиши ЎзХДП учун алоҳида аҳамиятга эга

■ ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Тошкент шаҳар, Тошкент вилоят партия кенгаши фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этган мазкур тадбирда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ўрни, бу борадаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Дастурда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кўчатириш, бу борадаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалалари кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чиқилаётган ҳужжатларга мувофиқ, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуг инсонларга хизмат кўрсатишининг энг қулай тизимини шакллантириш муҳим масаладир.

ЎзХДП ташкилотлари кексаларга муносиб ва қулай шароит яратиб бериш жараёنларида фаол иштирок этиш лозим. Хусусан, кексаларни кадрлаш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, қонунлар ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган тарғибот ишларини олиб бориш бўйича қатор вазифалар белгиланган бўлиши. Жорий йилда ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, кексаларнинг мазмунли ҳаёт кечирishi ва ҳордиқ чикаришини ташкил этишни сифат жиҳати

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

■ ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ БУГУН ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШАДИ.



■ ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ ҲОЗИРГАЧА ҚОРАҚАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, АНДИЖОН, ФАРҒОНА, НАМАНГАН, ХОРАЗМ, БУХОРО, НАВОИЙ, САМАРҚАНД, ЖИЗЗИХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ.



Сайловчиларни Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирамиз



— Участка сайлов комиссиялари иши, сайлов участкаларида сайлов тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича кузатувчиларга катта ҳуқуқлар берилган, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими мудири ўринбосари Аваз Саидов**. —

Айни пайтда партия ташкилотларимиз сайловолди ташвиқоти жараёнларида ЎзХДП дастурий мақсадларини изчил ва чуқур тарғиб қилишга эътибор қаратмоқда. Партия ғоялари, қолаверса, рамзлари яққол ва таъсирчан акс этган тегишли тарғибот материалларидан самарали фойдаланяпмиз.

Сайлов жараёнининг муҳим иштирокчиларидан бири — бу кузатувчилар ҳисобланади. Шу боис партиядан кузатувчиларни тайинлаш ва уларнинг ишини сифатли ташкил этиш долзарб масаладир. Қонунчиликка кўра, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кўри овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда партиядан кузатувчилар тайинлаш тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан камидан ўн беш кун олдин маълум қилиниши лозим.

Айни пайтда, бу ҳуқуқларнинг муайян чегаралари ҳам аниқ белгиланган бўлиши лозим. Кузатувчиларга юкланаётган вазифалар кўламини инobatга олган ҳолда, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, сиёсий бўлими ва кўникмаларини ҳар томонлама бойитиш талаб этилади.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР УЧРАШУВИ

■ Сайловолди ташвиқоти сайлов жараёнида муҳим босқич ҳисобланади. Унда номзодлар сайловчилар билан учрашади, ўз дастурлари, асосий ғояларининг мазмун-моҳияти билан таништиради. Бу борада номзоднинг ишончли вакиллари зиммасига катта масъулият юкланади. Улар номзодга сайловолди кампаниясини ўтказишда яқиндан ёрдам бериши, сайловчилар билан учрашувларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак бўлади.

«ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВ ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҒОЯЛАР БИЗГА МАЪҚУЛ БЎЛДИ»

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Президентликка номзод Хотамжон Кетмоновнинг ишончли вакилларида бири ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўтабар Каримова Ғаллаорол туманида сайловчилар билан учрашув ўтказди. Ишончли вакил дастлаб сайловчиларни номзоднинг таржimai ҳоли ҳамда меҳнат фаолияти билан таништирди. Шундан сўнг номзоднинг дастурида илгари сурилган мақсад ва йўналишлар, уларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий воқеадир, — деди у. — Чунки юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши, халқимиз турмушининг фаровонлиги сайловчиларнинг фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ бўлади. Ишонамани, сайлов кўри сизлар юксак даражада сиёсий ва фуқаролик фаоллигининг намоён этасиз ҳамда номзодлар орасида энг муносибига овоз берасиз.

Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши, халқимиз турмушининг фаровонлиги сайловчиларнинг фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ бўлади.

Учрашувда сўзга чиққан ЎзХДП фаоллари — туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Меҳри Бобоева, Ғафур Ғулом маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Баҳор Жумабоева, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Норбек Анорбоев ва бошқалар Хотамжон Кетмоновнинг дастурида кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатга лаёқатли фуқароларни муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш, шунингдек, демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид қатор таклифлар илгари сурилганини, булар ислохотларнинг ижтимоий самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Тадбир якунланганча, иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Президент сайловида биринчи марта иштирок этаман, — деди Ғаллаорол иқтисодийёт касб-хунара коллежи битирувчиси Жавохир Эргашев. — Номзод дастуридаги аҳоли бандлигини таъминлаш, айнакка, касб-хунара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини доимий равишда такомиллаштириш зарурлиги ҳақидаги таклифлар менга ва тенгдошларимга жуда маъқул бўлди. Коллеж битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар берилиши, уларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, ёшларни янги марралар сари руҳлантиради. Сайлов билан боғлиқ жараёнларга бефарқ бўлмаслигимиз, мустақил фикрлаб, бир хулосага келишимиз керак.

— Ёшим етмишда, — деди меҳнат фахрийси Ойсара Азизова. — Очиқ-ошкоралик асосида ўтаётган сайловда иштирок этаётганимдан хурсандман. Аминманки, сайлов натижалари ҳаммамизни мамнун этади ҳамда юртимиз тинчлиги ва тараққиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

Ярашса жазодан озод этилади

■ Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида «Ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш чоралари» мавзюда республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адвокатлар палатаси, Тошкент давлат юридик университети, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Олий суднинг тадқиқот маркази, Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси масъул ходимлари, ИИБ Академияси Олий академик курслари, ИИБ олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Конференция қатнашчилари ярашув институтини қўллаш давомида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек, мазкур институтни қўллаш доирасини янада кенгайтириш истикболларини муҳокама қилишди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтиш зарурки, дунёда қанча миллат бўлса, уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган ўзига хос жиҳатлари кўп. Ўзбек халқи ҳақида гап

кетса, бир-бирининг қувончига шерик бўлиш, мусибатидан қайғуриш, адашиб, хато қилганларни тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун кўмаклашиш, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатлари эътироф этилади. Мустақиллик йилларида амалга киритилган қонунларда ҳам бу қадриятлар ўзининг ифодасини топди. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноят содир этганлар жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нечоғлиқ инсонпарвар эканлигини ўз ҳаётлари мисолида чуқур англаб етдилар.



Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва ярашув институтининг жорий этилиши халқимизнинг инсонпарварлик ва кечиримлилик фазилатларини тўла намоён қилди. Гарчи ярашув суд тизимида янги ҳуқуқий усул бўлса-да, у миллий қадрият сифатида асрлар давомида тақомил топиб келган. Ярашув институтини жорий қилингандан буён ундан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ортиқча сансалорлик ва харажатларни бартараф этмоқда.

Шу маънода 2001 йилда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Масалан, ярашув институтини олайлик. Ушбу институт жорий этилмасдан илгари айтайлик, автомобиль бошқариб кетаётган ҳайдовчи ўзи англамай қолган ҳолда йўл ҳаракати қондасини бузиб, йўловчига тан жароҳати етказса, бундан ҳайдовчи минг марта пушаймон бўлиб, жабрланувчига ҳар томонлама ёрдам

қўрсатса, жарима тўласа ҳам у жиноий жавобгарликка тортиларди.

Бундан эса, аввало, унинг оиласи азият чекар ва фарзандлари қаровсиз қолар, тарбиясида муаммолар юзага келарди. Бир одамни ҳибсда сақлаш, ўз навбатида, давлатга ҳам иқтисодий зиён келтиради.

Ярашув институтининг жорий этилиши билан бундай ноҳуш вазиятларга барҳам берилди. Қадриятларимиз ва халқимизнинг тарихий аъённаларига хос бўлган бу институт туфайли ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган ва қўлмишдан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчи билан ярашган

ҳамда етказилган зиённи қоплаган фуқаролар жиноий жазодан озод этиладиган бўлди.

Маълумотларга кўра, биргина ўтган 2014 йилда ярашув институтининг самарали қўлланиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ижтимоий ҳавфи унча катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноят содир этганлар жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши нечоғлиқ инсонпарвар эканлигини ўз ҳаётлари мисолида чуқур англаб етдилар.

Қисқаси, ярашув институтининг амалда қўлланиши ўзининг ижобий натижаларини бераётган. Яъни, бу институт инсонпарварлик тамойилининг тобора кенгрок қўлланиши нуктаи назаридан жиноят қонунда одиллик тамойилининг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлмоқда.

Конференция якунида ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг назарда тулғувчи жиноий-ҳуқуқий ҳамда жиноят-процессуал нормаларни тақомиллаштириш, уларни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга доир бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дунё

Эйфель минорасининг

126 йиллиги нишонланади

Маълумки, 30 март куни Парижнинг ўзига хос рамзига айланган Эйфель минорасининг 126 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари минора тарихига назар ташлашмоқда.



Қайд этилишича, минора икки йилда — 1887 йил январдан 1889 йил 30 мартгача бўлган мuddатда қуриб битказилган. Унга конструктор-муҳандис Александр Густав Эйфель лойиҳаси асос қилиб олинган.

Минора учта платформадан иборат. Ҳар битта платформада рестороанлар жойлаштириш назарда тутилган. Учинчи платформада 70 километр узоқликдан ҳам кўзга ташланадиган маёқ жойлашган. Унинг тепасида, яъни 300 метр баландликда томоша майдони мавжуд. Унга лифтда ҳам, зинапоя орқали ҳам кўтарилиш мумкин. Зиналарнинг умумий сони 1792 та.

Ўзига хос бу миноранинг умумий баландлиги 313 метрни ташкил этган ва 1931 йилгача у дунёнинг энг баланд иморати ҳисобланган. 1957 йилда унинг устига телевидение марказининг тўқтин узатувчи минораси ўрнатилган, унинг бўйи 320 метрга етган.

У ҳар қандай қўлланишдаги шомолга дош беради. Соатига 180 километр тезликда эсган шомолда у 12 сантиметртраггина тебранади. Аммо кўёшнинг тиги уни кўпроқ эгилишга мажбур этади — иссиқда темир конструкциялар кенгайиб (асосан, кўёш тиги тушадиган томони) 18 сантиметргача эгилади.

Дастлаб мазкур минора қаттиқ танқидга учраган.1887 йили, яъни қурилиш жараёни кетаётган пайтда 300 нафар ёзувчи ва расом уни «шаҳар юзидagi алаф» дея баҳолаб, Париж маъмуриятига норозилик мактуби йўллаган.

Режага кўра, 20 йилдан кейин минора бўлакларга бўлиниб, бузилиши лозим эди. Аммо унга ўрнатилган телерадио антенна ва сайёҳлар оқимининг кўпайиши Париж маъмуриятини минорани бузиш режасидан қайтарди.

«Темир оймакча» деб ном олган бу минора бутунги кунда ҳам ўз жозибасини йўқотмаган.

Ўғил боланинг туғилиши

асоратли кечади

Исроиллик тиббиётчи олимлар ўн йиллик кузатув-тадқиқот натижаларига асосланиб шундай хулосага келдиларки, ўғилнинг туғилиши қизнинг дунёга келишига нисбатан она учун анча асоратли кечаркан.



Тиббиётда шу нарса аниқланганки, ўғил ҳомила қиз ҳомилага қараганда оғирроқ. Бу эса она организми учун анча юк бўлади. Бундан ташқари, ўғил ҳомила она қонидagi тестостерон даражасини ошириб юборади ва бу, ўз навбатида, иммун тизимни қўчқизиланишини келтириб чиқаради.

Муддатига етмай туғилиш ҳоллари ҳам кўпинча ўғил ҳомиласи бор оналарда кузатилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ўғил чақалоқларнинг 10 фоизи жаррохлик ёрдамида дунёга келади. Шунинг учун ҳам олимлар ўғил ҳомиласи бор оналар тиббий кўрикдан мунтазам ўтиб туришлари лозимлигини уқтиришмоқда.

■ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Маданият саройида 8 март — Халқаро хотин қизлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

АЁЛЛАР — ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Анжуманда ИИБ тизимида эркаклар билан елкама-елка туриб хизмат қилаётган аёллар, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, шунингдек, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбирни Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Адҳам Аҳмедбоев очиб, соҳада фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни байрам билан қутлади, уларнинг эл-юрт осойишталиги йўлидаги хизматларига муваффақиятлар тилади. Матонат ва жасоратларини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, уларга байрам совғалари топширилди. Эъзоз ва эҳтиром руҳи устувор бўлган анжуманда, санъат усталари, хонанда ва созандалар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Озода БЕКМУРОДОВА

Хотин-қизлар ўз бизнесига эга бўлмоқда

Марказий банк томонидан Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда банк тизимининг ўрни» мавзюда тадбир ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, Марказий банк Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-

қувватлаш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Мисол учун, 2004 йилдан буён тижорат банклари томонидан ишбилармон аёлларга 3 триллион 200 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Биргина ўтган йилнинг

ўзида тадбиркор аёлларга салкам 1 триллион сўмга яқин кредитлар ажратилиб, 2013 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичнинг қарийб 1,4 баробарга ўсиши таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги минглаб аёлларнинг ўз мустақил фаолиятига, даромад манбаига эга бўлишларини, оилаларнинг бюджетини янада шаклланишига ва турмуши фаровонлашишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 2014 йилда маийий электр жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш орқали аёлларнинг ижтимоий-маийий шароитларини яхшилаш ва қўндалик уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида маҳаллий уй-рузғор буюмлари сотиб олиш учун 57 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди.

«Қорақалпоқ аёлларининг иқтисодий билимла-

рини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳаси доирасида «Тикозек», «Бозатау», «Мадели» қишлоқ фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган 110 нафар аёлга тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун банк томонидан 220 миллион сўм миқдорда бошланғич кредит ажратилди.

Тоштинер ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ РЕКЛАМА

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ

2015 йил 26, 31 март ва 2, 7 апрель кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф этади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансидаги (собиқ «Митан Шароб» МЧЖ балансидаги) Самарқанд вилоти, Иштихон тумани, Мингчинон кўрғони, «Чордара» маҳалласи манзиллида жойлашган, умумий бошланғич нархи — 447 693 000 сўм, ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган. 1) узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси №1; 2) узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси №2; 3) қуйиш линияси; 4) иситиш ускунаси (котел Е1/10-0,9); 5) иситиш ускунаси (котел Е1/10-0,9М2); 6) трансформатор подстанцияси ускунаси тўплами (трансформатор ТМ-63/10 кВм); 7) 72 дона турли ҳажмдаги алюмин ва эмалланган цистерналар мужассам ҳолда қайта қўйилад

Тўғридан-тўғри музокара-лар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо ёлиби мулкнинг сотилиш баҳосидан 20 фоизи миқдоридagi маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, шартнома имзолангандан сўнг 1 (бир) ой мобайнида тўлаши лозим, қолган қисмини олди-сотиш шартномасига асосан 7 (етти) йилдан кўп бўлмаган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарт

лан 7 (етти) йилдан кўп бўлмаган муддатда сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловларини бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фойзлар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўлашни, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунча қадар объектни тасаруф этиш ҳуқуқисиз ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз амалга оширилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги

тўловлар, савдо ташкилотчиси-га тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдонга ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номи, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган

банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси; — икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: — сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, савдога қўйилаётган мулк бошланғич нархининг 2 (икки) фоизи миқдоридagi закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланиши шарт.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо

ўтказиш бошланишидан камидан уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу мол-мулклар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб та-нишиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлис-лар зали).

Мурожаат учун манзил-лар ва алоқа воситалари: Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўча-си, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 10 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўлов-лари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:*)

■ 1 Австралия доллари	1901,48
■ 1 Англия фунт стерлинги	3725,07
■ 1 Дания кронаси	359,84
■ 1 БАА дирҳами	673,11
■ 1 АҚШ доллари	2472,34
■ 1 Миср фунти	324,03
■ 1 Исландия кронаси	18,04

■ 1 Канада доллари	1960,15
■ 1 Хитой юани	394,66
■ 1 Россия рубли	41,21
■ 1 Украина гривнаси	107,98
■ 1 Малайзия ринггити	670,83
■ 1 Польша злотийси	648,52
■ 1 СДР	3441,40

■ 1 Туркия лираси	940,98
■ 1 Швейцария франки	2507,44
■ 1 ЕВРО	2749,98
■ 10 Жанубий Корея вон	22,27
■ 10 Япония иенаси	204,31

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сизнинг иштирокингиз ва танловингиз халқимиз келажаги, Ватанимиз истиқболида муҳим ўрин тутишини унутманг!



КУЧЛИ ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



СПОРТ

ОДИЛ АХМЕДОВ — 2014 ЙИЛНИНГ «ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ»

Ўзбекистон футбол федерациясида 2014 йил якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўтган йил ўзбек футбол тарихида ўзига хос ўчмас из қолдирди. Жумладан, Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида футбол бўйича бўлиб ўтган қитъа чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси бронза медалини қўлга киритди. Ўзбекистон ёшлар (U-19) терма жамоаси Мьянмада футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида муносиб қатнашиб, жорий йил Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Юртимиз қизлар (U-16) терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш баҳсларида муваффақият қозонди. Энди улар шу йил Хитойда қизлар ўртасида ўтказиладиган қитъа чемпионати финал босқичида илк бор Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Бразилия яшил майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси тўртта учрашувни муваффақиятли бошқарди. Қувонарлиси, у жаҳон чемпионатлари тарихида энг кўп — 9 учрашувни бошқариб, жаҳон рекордини ўрнатди ҳамда бешинчи мартаба Осиёнинг «Энг яхши ҳаками», деб эътироф этилди.

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан 2014 йилнинг энг яхши футболчи ва мураббийлари номлари эълон қилинди. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Одил Аҳмедов «Йилнинг энг яхши футболчиси», Ўзбекистон терма жамоаси ва «Севинч» (Қарши) аёллар жамоаси аъзоси Зебо Жўраева «Йилнинг энг яхши аёл футболчиси», Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси



Хасан ПИРМУХАММЕДОВ олган сурат.

аъзоси Артур Юнусов «Йилнинг энг яхши футболчиси», «Пахтакор» жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаев «Йилнинг энг яхши мураббийи», Равшан Эрматов «Йилнинг энг яхши ҳаками», Абдуҳамидулло Расулов «Йилнинг энг яхши лайнсмени» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.

Ўтган мавсумнинг «Энг яхши тўпурари» соврини эса Қаршининг «Насаф» жамоаси ярим ҳимоячиси Артур Геворкянга топширилди. Миллий чемпионатнинг «Энг яхши футболчиси» номинацияси бўйича «Пахтакор» жамоаси вакили Жамшид Искандаровга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, «Насаф» болалар футбол мактаби тарбияланувчиси Исрол Кенжабоев «Йилнинг энг яхши ёш футболчиси», Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Темури Олимжўраев «Йилнинг энг яхши ёшлар мураббийи», Тошкент вилоятининг «Олмалик» жамоаси эса «Fair play» (халол ўйин) соврини билан тақдирланди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Локомотив» — суперкубок соҳиби

Футбол бўйича «Ўзбекистон суперкубоги — 2015» ғолиби номи маълум бўлди.

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» стадионида ўтган учрашувда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — Тошкентнинг «Пахтакор» ва Ўзбекистон кубоги соҳиби — Тошкентнинг «Локомотив» жамоалари ўзаро куч синашди. Унда рақиблари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритган темирўлчилар ўз тарихида илк мартаба суперкубок ғолиби бўлди. Тўпларни «Локомотив» футболчиларидан Лутфулло Тўраев, Темурижон Абдухоликов, Руслан Корян ҳамда Марат Бикмаевлар киритди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖУ талабаси.

РЕКЛАМА

НАМКОРБАНК

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

www.hamkorbank.uz

0-800-1-200-200



“Hamkorbank” aksiyadorlik tijorat banki barcha ayollarni
kiiib kelgan 8-mart Xalqaro xotin-qizlar bayrami bilan
samimiy muborakbod etadi.

Barchangizga uzog umr, baxt-saodat, sog'lik, oilaviy
farovonlik va ishlaringizga omad tilaymiz.

Sizni hech qachon bahoriy go'zallik tarki etmasin.
Bayramingiz qutlug' bo'lin, aziz ayollar!

ОБ-ХАВО 10-11.03 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

-3 / -8 +2 / +7

Бухоро ва Навоий вилоятлари

0 / +5 +3 / +8

Тошкент, Самарқанд, Жиззах,

Сирдарё вилоятлари

0 / +5 +3 / +8

Қашқадарё,

Сурхондарё вилоятлари

0 / +5 +3 / +8

Андижон, Наманган,

Фарғона вилоятлари

0 / +5 +5 / +10

Тошкент шаҳри

+3 / +5 +3 / +5

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +13 / +13

Париж +14 / +16

Москва +6 / +8

Мадрид +22 / +22

Пекин +10 / +13

Канберра +29 / +31

Рим +17 / +18

Афина +13 / +13

Токио +14 / +11

Стокгольм +12 / +8

Кейптаун +24 / +32

Қоҳира +29 / +25

Гавана +32 / +32

Вашингтон +14 / +17

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359

20995

nuxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.25

Topshirilgan vaqt — 21.45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6